

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

### Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА Сатрларда


**НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган анжуманда Олий Мажлисининг иккинчи қаҳриқ саккизинчи сессияси белгилаб берган вазифалар муҳокамала этилди.

**УЗСАНОАТКУРИЛИШ** банкда акциядорлар иштирокида бўлиб ўтган йилгида банкнинг ўтган йилги фаолияти ва жорий йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

**ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида Пеханов номи Россия иқтисодиёт академиясининг бакалаврлик курсини тугатган пойтахтлик талабаларга диплом бериш маросими ўтказилди.

**УЗБЕКISTON** Давлат боҳжона кўмитаси қошидаги кинология марказида франциялик кинолог мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган анжуман кинология соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масаласига бағишланди.

**РЕСПУБЛИКА** эндокринология марказида шифокорлар иштирокида ўтказилган анжуманда аҳоли орасида ортиб бораётган бўқоқ касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида сўз борди.



Шахримизда бунёд этилаётган кўпгина замонавий турар жой биноларининг қад ростлашида 3-ўй жой қурилиш конвейерининг ҳам ҳиссаси қатъ бўлмоқда.

СУРАТДА: ишбоши Шухрат Мирзаев ва қурувчи Мейронбой Норбоев янги лойиҳа билан ташишмоқда.

Сергей Любич олган сурат.

Ўлкамизга фусункор 83 фасли кириб келмоқда. Мактабларда сўнги кўнги-роқлар қалинбўй ўқувчилар таътилга чиқдилар. Ҳўш, уларнинг таътилни кўнгили, мазмунли ўтказишлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун мутасадди ташкилотлар томонидан қандай тайёргарлик ишлари амалга оширилди? Биз ана шу саволлар билан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раҳбарларига мурожаат қилдик.

**Намоз РЎЗИКУЛОВ,** Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари: Шаҳар умумтаълим мактабларидан бу йил 368 мингга яқин ўқувчи ёзи таътилга чиқди. Уларнинг ёзи таътилни кўнгили ўтказишлари, бўш вақтларидан умумий фойдаланишларини таъминлаш учун режали асосда фаолият юритилди. Хусусан, ҳозир шаҳардаги мактаблар қошида 25 та оромгоҳ мавжуд бўлиб, уларда уч ой таътил давомида 2500 нафар бола дам олдирилади. Пойтахт атрофидаги хушманзара масканларда жойлашган 38 та оромгоҳда эса биринчи сменада ўн тўрт минг, мавсум давомида қирқ икки минг бола хордиқ чиқариб саломатликларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими сазай-харакатлари билан 360 нафар тарбияси оғир ўқувчиларнинг икки сменада шаҳардан ташқариди ҳарбий спорт оромгоҳида дам олишларини таъминланади. Шу тарихи мавсум давомида 93 минг боланинг мактабларда спорт билан шуғулланишлари учун имкон яратилди. Бундан ташқари шаҳардаги барча 19 та қўшимча таълим мажмуалари, 47 та спорт клублари ёзда ўз тўғрақларини мактабларга ва спорт майдончаларига қўчириб қўйиб туририлган тартибда ишлайди. Мавсум давомида уларга 80 мингга яқин бола жалб этилади. Ҳамза туманидаги 30-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 150 нафари Оқтош ҳудудидаги Меҳржон оромгоҳида дам олдирилади. Халқ таълими вазирлиги томонидан эса Чорвоқ кўрғонидagi Ёшлик оромгоҳида бешта меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун ҳар навбатда 60-80 тадан жой ажратилди.

Июнь-июль-август ойларида мактабларда ташкил этилган меҳнат амалиётига ҳам қўллаб-қўлланади. Ёзи таътилларида ота-оналари билан бирга ўн олти мингга яқин бола

## ЁЗГИ ТАЪТИЛ: ПУХТА ТАРАДДУД

дам олиш уйлари, санаторийларда хордиқ чиқаради. Беш мингга яқин бола таътил даврида оғир-оғир иштирокида меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Шунингдек, турар жойлар, маҳаллалар, маданият ва истироҳат боғлари имкониятларидан фойдаланиб, турли тўғрақлар ташкил қилинади, оммавий тадбирлар ўтказилади.

**Фозил РЎЗИБЕКОВ,** Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари: Мактаб ўқувчиларининг таътилни кўнгилида болаларнинг дам олишига тайёргарлик қилиниши ва уни таъминлаш бўйича шаҳар комиссияси оромгоҳлар эгалари иштирокида стационар бола-лар соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишларининг боришини ўрганиб чиқди.

Оромгоҳларини мавсумга ўз вақтида тайёрлашда «Технолог» акциядорлик жамияти, «Ўзтемирўлмас» ишлаб-чиқариш бирлашмаси, «Тошшаҳарўловчигитранс» Давлат уюшмаси ҳамда «Нурфашон» хусусий фирмасининг раҳбарлари намунали ишларни амалга оширишди. Ушбу корхоналарга тегишли бўлган оромгоҳларга ўз вақтида таъмир-лашиб, зарур жиҳоз ва асбоб-ағжолар билан таъминланди, муҳандислик коммуналхизмати бўлими аҳоли бинолар қуришди, ичимлик суви ва коммунал фойдаланиш иншоотлари янгилади, автомобиль йўллари тикланди, телефон алоқаси ўрнатилди.

Айни кунларда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, савдо департаменти оромгоҳларга зарур бўлган маҳалла мутахассисларини тайёрлаб бермоқда. «Тиббиёт» ва «Дори-дармон» корхоналари оромгоҳларини зарур тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан маъ-

## Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов **кеча** Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича кўмитасининг Ҳарбий таъминот бўйича ички кўмитаси раиси Курт Валдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви — «Танбур чизиги» кўлэмасини тақдим этган Ҳофиз Оллоназаровга мактуб йўллаб, унга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирди.

• Президентимизга маънавий ҳазинамига оид «Танбур чизиги» қадимий нота кўлэмасининг тақдим этилиши муносабати билан пойтахтимизнинг Ақсал Икромов тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи ҳамюртимиз Ҳофиз Оллоназаров хонадонига бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жавоб мактуби ҳамда эсдалик совғаси Ҳофиз Оллоназаровга топширилди.

• **Кеча** Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Қарияларни қадрлаш миллий қадрият сифатида» мавзусида илмий-амалий конференциясини ўтказдилар.

• **Кеча** Адлия вазирлигида «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• **Кеча** Тошкент Давлат техника университетида фаолият кўрсатаётган «Ёшларнинг Беруний академияси» ҳузурида иқтидорли талабаларнинг «Фан ва техника тарихида» ёшлар мавзусидаги илмий анжумани ўз ишчи бўш-лади.

• Жиззах вилояти ҳокимлигида гўза парваршишни қўлайитириш ҳамда 2002 йилги ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Тошкент Давлат юридик институтининг «Референдум янги ҳақида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини ўрганишга бағишланган навбатдаги илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида «БМТ билан ўйна» викторинаси бошлангани бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизнинг Миробод тумани ижтимоий таъминот бўлими ҳузурида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қарияларни соғломлаштириш маркази очилди.

• **Бугун** ва **эртага** Тошкент шаҳрида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш истиқболлари» мавзусида республика ўқув семинари бўлиб ўтади.

• **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди. Ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. 29-31 даража иссиқ бўлди. **Бугун** кечаси хароратнинг 15-17 даража, **эртага** кундузи эса хароратнинг 30-32 даража бўлиши кутилмоқда.

## Жаҳонда

• **Кеча** НАТОга аъзо давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари Италия пойтахти Рим шаҳрида ўзларининг навбатдаги саммитига тўпландилар. Унда АҚШ Президенти Жорж Буш ҳамда Россия Президенти Владимир Путинлар қатнашдилар. Анжуманда Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси фаолиятига тааллуқли қатор масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, унда Россия +НАТО кенгашининг таъсис этилганлиги ҳам эълон қилинди. Юқоридаги масалаларга доир ҳужжатлар имзоланди.

• БМТ БШ қотиби Кофи Аннан 4 июнь куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига келди. Ташриф 6 июнгача давом этади.

• Тунис Президенти Зин Ал Обиддин Бен Али мамлакатда президентлик ваколат мuddатини узайтириш бўйича ўтказилган референдумда 99 фоиздан зиёд овоз олган. Шундан қилиб, сўнги 15 йилдан бундан мамлакатда раҳбарлик қилиб келётган 65 ёшли амалдаги Президент 2004 ва 2009 йилларда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

• Фаластин миллий мухторияти ҳукумати Исроилнинг Петах-Тиква шаҳрида содир этилган қўруқчиликни қоралаган. Расмий ҳужжатда қайд этилишича, бундай ҳаракатлар фаластинликларнинг мустақиллиги учун олий бораётган қурашидаги мавқега пугур етказмоқда.

• Жорж Буш маъмурияти Яқин Шарқ бўйича тинчлик битимини имзолаш борасидаги музокараларни ўтказишнинг эҳтимоли кўзда тутилган мuddатларини муҳокама этмоқда. Бу ҳақда **кеча** АҚШ маъмуриятининг вакили хабар берди.

• **Кеча** Покистон Президенти Парвез Мушарраф телевидение орқали миллатга қарата қилган мурожаатида Қашмир масаласи тўғрисида Хиндистон билан вазият ниҳоятда тараққийланганини, Покистон урушини хоҳламастлигини, лекин уруш қисқа мамлакат бор кучи билан жавоб беради, деб оғохланганди.

• **Кеча** Покистон 180 километр узокликдаги ракета-ларнинг синови муваффақиятли тарзда кечганлигини билдирди.

• **Бугун** Кобулда ЮНЕСКОнинг Афғонистон маданият вазирлиги билан ҳамкорликда таъкил этган Афғонистоннинг тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш масаласидаги бағишланган халқаро конференцияси ўз ишчи давом эттирди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан бу ерга ташриф буюрган экспертлар мамлакатдаги янги аҳолига қўйиб қолган ёдгорликларни сақлаш бўйича сазай-ҳаракатларни қўлайитириш режасидадилар. Халқаро конференция **эртага** ўз ишчи ақунлайди.

• **Кеча** Афғонистонда рўй берган автомобиль ҳалокати тўғрисида 8 киши ҳалок бўлди ва 21 киши жароҳат олди.

## Малакали кадрлар — келажакимиз пойдевори

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Кадрлар куни» муносабати билан шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари, уларнинг ташкилий гуруҳ бўйича ўринбосарлари, бош бошқармалар ва бошқармалар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида ана шу долзарб масала — малакали кадрлар заҳирасини тайёрлаб бориш тўғрисида сўз борди. Йиғилишини Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.

Тадбирда кун тартибидagi биринчи масала — Мирзо Улугбек туманида кадрлар тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида туман ҳокими Абдуазим Мажидов ахбороти тингланди, бу борадаги ўзига хос тажрибалар билан ўртоқлашилди. Сўнг Мирзо Улугбек тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кадрларнинг ўрни ва ечимини кутаётган муаммолар таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳрида кадрлар заҳираси билан олиб борилаётган амалий ишлар, бу борадаги муаммолар муҳокама қилиниб, келажакда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ўзаро савол-жавоблар, фикр алмашулар бўлди.

Йиғилишида шунингдек раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, олий ўқув юртилари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва кейинчалик улар фаолияти мониторингини олиб бориш ҳамда раҳбарлик муносиб номзодларнинг маълумотлар базасини яратиш, ўз ўрнига раҳбар кадрларни тайёрлаб боришни бугунги кундаги ҳар бир раҳбар ўзининг бурчи деб қараши, раҳбарлик малака, лаёқатини бегараз ўргатиб бориши лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини девонининг масъул ходимлари иштирок этидилар.

(Ўз муҳбиримиз)

## ТАДБИРЛАР

### Мумтоз санъат дурдоналари

Мактабларда сўнги кўнги-роқлар қалинбўй ўқувчилар янги ҳаётга қадам қўяётган ушбу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар маданият бошқармаси ташаббус билан ана бир хайрли ишга қўл урилди — Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Мумтоз санъат дурдоналари» мавзусидаги қизқарлик концерт дастури намойиш этилди.

Ушбу тадбирга тақлиф этилган шахримиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларининг битирувчилари Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда пойтахтдаги мусиқа санъати мактабларининг иқтидорли талабалари ижросида жаҳон ва ўзбек мумтоз мусиқаси дурдоналарини мириқиб тинглаб, мазмунли хордиқ чиқардилар.

(Ўз муҳбиримиз)

## Хайрли ташаббус

Мана, мактабларда ўқишлар тугаётган ёшларимиз мустақил ҳаёт оғирликларига қадам қўймоқда. Албатта шундай ҳаяжонли давларда бегубор болалиқлари ўтган синф хоналари, жонқур устозлари, мураббат ўқув маскани билан хайрли ташаббус олддан қилишда қандайдир эсда қоларли ишлар қилиш нияти ҳам тугилди.

Собир Раҳимов туманидаги 249-умумтаълим мактабининг 11-синфлар битирувчилари ўз кадрдон билим масканларининг синф хоналарини таъмирлашга ҳиссаларини қўшишдек хайрли ташаббус билан чиқдилар ва шахримиз мактабларидаги барча битирувчи тенгдошларига имтиҳонларни аъло даражада топширишларига омад тилаб, ташаббусларига қўшилшига чакирдилар.

Хайрли ишининг қаноти бўлади, деганларидек, ўйлаймики яхши ташаббусни шахримиз ёшлари албатта қўллаб-қувватлайдилар.

## АНЖУМАНЛАР

### Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш энг муҳим вазифалардандир.

## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар ҳам айнан шу «Она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш ва оилалар тиббий саводхонлигини оширишда жамоатчилик ҳамда оила шифокорларининг ўрни, уни тақомиллаштириш асослари» мавзусида бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Котибияти, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган ушбу анжуманда шахримиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, оилавий шифокорлар шифокорлари, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этидилар. Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Рустам Қурбонов ва Фарида Абдураҳмонова сўзга чиқиб, аёллар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, соғлом авлод туғилишини таъминлаш, оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш хозирги куннинг долзарб масаласи эканлигига эътибор қаратиб, бу борада оилавий шифокорларнинг роли жуда муҳим эканлигини таъкидлаб ўтишди. Анжуманда шунингдек Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Миралишер Исмолов «Умумий амалиёт шифокори тизимига ўтишининг фаолиятининг жорий этилиши ҳақида», Ақсал Икромов туман ҳудудий-тиббий бирлашмасининг бош шифокори Н. Расулов «Умумий амалиёт шифокорларининг тиббий бийетдаги ўрни ва уни тақомиллаштириш», Республика илмий-амалий маркази директори, профессор В. Каримова «Оилалар тиббий саводхонлигини оширишда жамоатчиликнинг роли» мавзусида ва бошқалар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда тақлифлари билан билдирдилар. Шунингдек, оилани мустаҳкамлашда оила шифокорларининг роли беқиёс эканлиги, бунга маҳаллаларда, оилаларда чуқур таҳлил қилиш лозимлиги ҳақида фикрларини баён қилдилар. Анжуманда йиғилганлар ўзларини қизқирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Дилором ИКРОМОВА

## УНИВЕРСИАДА-2002

### Шаҳримиз жамоаси олднда

Мана, икки кундири кўна Бухоро заминда республика талаба-бўшқарларининг университетлари мусобақалари давом этмоқда. Ушбу қисқа мuddат ичиде университетларнинг дастлабки ғолиб ва совриндорлари ҳам аниқланди.

Ўзбек кураши бўйича тўртта ваънада финал бахслари бўлиб ўтди. Улар орасида икки хал қилувчи бешлашув ҳамшаҳарларимиз Темур Аҳмедов ва Фарҳод Тўраевларнинг ғалабаси билан тугалди. Қолган ваъналарда Уткир Ғамаов ва Шухрат Ҳужаевлар университетда ғолиблари бўлишди.

Энгил атлетика бахсларида ҳам қўнчилар аниқланди. Икки кунлик мусобақалар натижасида тошкентлик Наталья Филатова биттадан олтин ва кумуш нишонлар соҳиб бўлди.

Сузиш мусобақаларида 50 метрга брасс усулида сузишда Анатолий Никитин, 200 метрга «челнок» сузишда эса Андрей Вайцехович каби шахримиз вакиллари ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Ҳозирча тўртта олтин, бешта кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритган Тошкент-1 командаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда бормоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

## ТЕННИС

### «Тошкент оупен»га тайёргарлик қизғин

Пойтахтимиз ана бир халқаро спорт мусобақалари марказига айланган арафасида турли-биди. Келгуси ойнинг бошларидан шахримизга «Tashkent open-2002» турнирида қатнашиш учун жаҳон теннис юлдузлари жамланган. Тўртинчи мартабта WTA Tour — Халқаро аёллар теннис ассоциацияси доирасида ўтказиладиган ушбу «Tashkent open» турнирини нуфузи йилдан йилга ошмоқда. Чунки WTA Tour — бу йилги 66 турнирни, шу жумладан Катта дубулга ва Федерация Кубогини ўз тасарруфига олган бўлиб, 33 та давлатда ўтказиладиган, соврин жамғармаси 48 миллион АҚШ долларига тенг бўлган халқаро спорт мусобақаларининг ташкилотчиси ҳисобланади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 26 га яқин давлатдан қатнашадиган спортчилар иштирокида «Tashkent open-2002» турнирига шу кунларда кенг тайёргарлик ишлари олиб борилмақда. Хусусан, бу ҳақда турнир ташкилий кўмитасининг биринчи йиғилишида сўз борди. Йиғилишини Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Қурбонов бошқарди.

Халқаро спорт анжуманига тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси доирасида асосий эътибор аънаваный тарзда ҳар йили аёллар турнири ўтказиладиган «Тошкент теннис маркази» мажмуасига қаратилди. Турнирни юқори савияда ўтказиш мақсадида йиғилишида шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, савдо департаменти, «Тошшаҳарўловчигитранс» Давлат уюшмаси, бошқа мутасадди корхона ва ташкилотларга тегишли топшириш, ва тавсиялар берилди, шу жумладан турнир иштирокчилари ва меҳмонларини қўли олиш, жойлаштириш, уларни транспорт ва барча керакли алоқа воситалари билан таъминлаш ҳамда спорт байрами муносабати билан марказий кўчаларни безатиш масалалари алоҳида урғу берилди.

Ушбу йиллар тақрибасидан келиб чиққан ҳолда «Tashkent open-2002» турнири кенг тарғиблиги учун июнь ойининг биринчи кунларидан «Тошкент теннис маркази» қошида матбуот маркази ўз ишчи бошлиқи режалаштирилган. Ҳозирда эса бу ерда журналистлар учун барча қўлайликлар яратиш бўйича ишлар ташкиллатирилмоқда.

Турнир давомида маҳаллий ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари Интернет, тўғридан тўғри эфирга чиқиб алоқаси, факс орқали Ўзбекистон ташқарисига ҳам турнирда оид ахборотларни узатиш имкониятлари яратиб берилади.

Бу йилги «Tashkent open» турнири катнашчиларига келсак, асосий ва саралаш мусобақаларида иштирок этадиган теннисчиларнинг дастлабки рўйхати олинган. Улар орасида тошкентликлар яхши маълум Мария Микаэляни (Швейцария), Татьяна Путчек (Беларус), Татьяна Гарбин (Италия) ҳамда «Tashkent open-2001»

## Муҳим ружалар белгиланди

Шаҳримиздаги «Тошнефтмаҳсулоти» корхонасида пойтахтдаги автомобилларга ёнилги қўйиш корхоналари фаолиятини ўрганиш ва уларга лицензия бериш бўйича шаҳар ишчи гуруҳининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳининг раиси, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошшаҳарўловчигитранс» Давлат уюшмаси раиси Равшан Файзуллаев олиб борди.

«Тошнефтмаҳсулоти» корхонаси, «Узнефтгаз» сепаратори ва уларнинг республика прокуратураси ходимлари ва пойтахтдаги барча хусусий автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчаларининг раҳбарлари қатнашган тадбирда Тошкент шаҳри аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, ёнилги-мойлаш маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, АЁКШда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя қилиш, нефть маҳсулотлари билан савдо қоидаларининг бузилиши ва уларнинг республика ташқарисига ноқонуний олиб келинишига барҳам бериш юзасидан рейдлар ўтказиш тўғрисида сўз борди.

Йиғилишида, кейинги пайтларда қўллаб-қўйиш ёнилги қўйиш шохобчалари ишга тушганлиги, шаҳарнинг ёнилгиларга бўлган қўндалик эҳтиёжи қондирилаётганлигига қарамасдан, аҳоли ҳақидан уриб қолиш ҳолларига ҳамон чек қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан автомобилларга ёнилги қўйишда қўшимча хизматлар кўрсатиб мажбурий

пул олинишини бекор қилиш ва машиналарни қовиш каби баъзи хизматлар ҳайдовчиларнинг хоҳиши билан бажарилиши лозимлиги таъкидланди, бу тўғрисида АЁКШларга эълон осиб қўйиш кераклиги билдирилди. «Узнефтгаз» инспекцияси томонидан қондирилган қўйишларга йўл қўйган шохобчалардан комиссияда кўриб чиқилиши орқали лицензияларнинг тортиб олиниши ва рўхсатномалар ушбу нуктага бошқа қайтарилмаслиги йиғилганларга айтилди.

Шаҳримиздаги 65 та хусусий ёнилги қўйиш шохобчаларининг ўзига берилаётган, «Тошбир-хакт» ассоциациясининг раҳбари Л. Созанова, «Тошнефтмаҳсулоти» корхонасининг раҳбари Ф. Юсупов, «Нефтгаз» инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Б. Сайдазизовлар ҳам сўзга чиқиб амалга оширилаётган фаолиятлари тўғрисида маълумот беришди.

Йиғилиш давомида ишчи яхшилаш юзасидан ўрнали тақлифлар билдирилиб, режалар белгилаб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)



турнири ғолиби Бианка Ламате (Германия) ва саралаш босқичдан финалгача етиб келган нидерландиялик Зедэ Нурландерларни айитиб ўтиш жоиз. Албатта, биринчи йиғилганлигидаги жаҳон теннисчилари ичиде Ўзбекистон фахри ҳисобланмиш Ирода Тўлағанова «Tashkent open-2002» иштирокчилари қаторида юқори ўринларни эгаллаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Шунингдек ушбу турнирда янги теннисчилар ҳамда янги давлатлар иштироки кутилмоқда. Демак, бу дега-ни «Tashkent open» мусобақалари довури дунё бўлиб яна ҳам кўпроқ таралади.

Хуллас, «Tashkent open-2002» турнири очилиш арафасида. Ташкилотчилар эса ушбу спорт байрамининг юқори савияда ўтказилиши учун барча имкониятларини ишга солишлари шубҳасиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 3 (121) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

Йирик шаҳарларда ҳар бир кишига беш квадрат метр, турар жой мавзеларида эса 7 квадрат метр яшил ўсимликлар олами тўғри келиши мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Шаҳримиз боғларининг умумий сатҳи эса каттагина майдонни эгаллайди. Хиббонлар, боғлар, дам олиш масканларидаги яшил дов-дарахтлар микдори ҳудуд майдонининг 70 фоизини ташкил этади. Бу яшил бойликлардан авайлаб асраб фойдаланиш ҳар биримизнинг сая-ҳаракатимизга боғлиқ.

## МУЛОҲАЗА

### Яшил бойлигимизни асрайлик

Биз табиатдан меҳр-шафқат кутмай, балки борлиқдан унумли фойдаланиш йўларини қидирмоғимиз лозим. Фараз учун бир мисол. Айтайлик, она-еримизда ўт-ўланлар ва гуллар ўсмай қолди. Урмонларимиз баргисиз қоп-қора дарахт тўнкалари ҳолига келди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу манзаралар нафақат табиатни, балки инсониятни ҳам ҳалокатга олиб келиши шубҳасиз. Шунингдек шаҳримизда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ойлқлари ўтказилди. Бу давр мобайнида бутун юртимиз бўйлаб турли туман манзарали ва мевали кўчатлар ўтказилди. Бу юмушларнинг шаҳар ҳавосини тозалашда аҳамияти катта, албатта.


зиён-заҳмат етказаяпти. Жазирама иссиқда дарахтзордаги ҳарорат асфальт йўлдан қараганда 3 даража салқин бўлиши, бир гектар дов-дарахт 100 тоннагача, игна баргли ўрмон эса 40 тонна чангин ютишини эътиборга оладиган бўлсаки яшил бойликларнинг аҳамияти нақадар катталиги янада аён бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги чинор, терак, эман дарахтлари экилиши одат тусига кириб бормоқда. Бу эзулиқни албатта кадрламоқ керак. Кейинги йилларда дарахтларнинг нес-нобуд қилинишига анча чек қўйилди. Табиатга зиён-заҳмат етказувчилар маълум даражада жаримага тортилмайдиган бўлди. Шу ўринда юқоридагиларга қарама-қарши ҳолатда яна бир гапни айтишга тўғри келади. Бугунги кунда қайси бир туман ёки маҳалла кўчаларига, хиббонларга қарамаган у ердаги яшил бойликларга турли хил реклама ва эълонлар осиб ташланганлигини гувоҳи бўласиз. Ахир бу ҳолат биринчидан табиатга маълум микдорда зарар етказса, иккинчидан кўчалар ҳуснини бузиб туради. Шундай экан реклама ва эълонларни ўзбўларчилик билан бўлар-бўлмас жойларга пала-партиш осиб ташлашга ҳам чек қўймоқ лозим. Улар ўзлари учун белгиланган маҳсус жойлардан ўрин олсалар нур устига нур.

Бу ҳолат бўйича табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчи жойларда бир қатор текширувлар ўтказиб, қатор камчиликларга диққат қилишди. Шу ўринда бир неча жонли мисолларни келтиришга ҳаракат қилдик. Масалан, назоратчилик Қорақамиш даҳасининг 1/4 мавзесидеа бўлганларидеа шу атрофда яшовчи Ш. Мажиждо қўмитанинг ҳеч қандай руҳсатисиз дарахт кесганлиги маълум бўлди. Айбдорга 11 минг 800 сўм жарима солинди. Шунингдек, Чилонзор даҳасининг 5-мавзесидеа жойлашган 8-уйнинг 16-хонадонидеа яшовчи Х. Акимов ҳам берухсат дарахт кесганлиги учун назоратчилик томонидан 3945 сўм жаримага тортилди.

Азиз хамшаҳарлар! Атрофимизни ўраб олган яшил бойликларнинг қадрига етайлик. Уларнинг ўзимиз учун, она-табиат учун нақадар зарур ва фойдалилигини ҳисобга олиб бу неъматларни авайлаб-асрайлик.

**О. РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.



Она-табиат бағрига чорлайди.

## КОРХОНАЛАРДА

### Режали ва тартибли

Конституциямизнинг 55-моддасида: «Ерсти бойликлари — сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларимиз умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир», деб кўрсатилган. Назоратчилар мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб шаҳримизда сувдан фойдаланиш қай даражада эканлигини таҳлил қилганларидеа маълум бўлдики, Тошкентимизда сув исрофгарчилиги юқори, ундан фойдаланиш коэффициенти анча паст экан. Экологик муаммоларнинг ўрғаниш натижалари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бироқ, шунга қарамай айрим ҳудудларда бу оқилона фикрга тўла риоя қилинмапти. Шунингдек минтақамизда ер-сув ва ҳаво турли ишлаб чиқариш ҳамда ҳўжал-чиқиндилари билан ҳамда автомашиналарни ювиш пайтида улардан чиққан чиқиндилар билан ифлосланганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Назоратчилар яқинда сув исрофгарчилигига чек қўйиш мақсадида бир қатор корхоналарнинг фаолияти билан танишиб чиқиди. Улар Акмал Икромов туманининг Халқа йўлида жойлашган «Равшан» автомобиль корхонасидеа бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилганлигини шохиди бўлишди. Ушбу корхона ҳудудидеа қўқонча, ишлаб чиқариш корпуси, омборхона, автобилларга ёниқли қўйиш шохобчаси, машиналарни ювиш жойи мавжуд. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 181 та автоулов бўлиб, ундан 72 таси бензин ёниқли, 120 таси газ, 89 таси дизель ёниқли ёрдамда ҳаракатланади. Автомобиллари ювиш жойи талабга жавоб беради. Бу ерда ифлос сувларни қайта ишлайдиган бешта тиндиргич ўрнатилган. Уларнинг умумий ҳажми 300 квадрат метрни ташкил этади. Корхона сувни шаҳар «Сувсоз» трестидан ва ўзининг ҳудудидеа артезиан кўдугидан олади.

«Сувсоз» трести билан келаси шартнома тўзилган. Водопровод тармоғидеа 40 миллиметрли сув ўлчагич асбоби ўрнатилган. Тоза сув асосан қўл ювиш, ичимлик мақсадида, шунингдек ошхона ва ювиниш учун ишлатилади. Бу ерда икита артезиан кўдуги мавжуд бўлиб, уларга насослар ўрнатилган. Кўдугларнинг чуқурлиги 80 метр, сув сарфи 2,4-2,5 литрни ташкил этади.

Корхона атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг манбааларини рўйхатини 2001 йил ишлаб чиққан ва бу ҳусудда қўмитадан тегишли руҳсатнома олиган. Бу ерда автомобиллардан чиқадиган зарарли моддаларни ўлчаш учун маҳсус ускуналар ўрнатилган. Яроқсиз люминисцент лампалар ўз вақтида зарарсизлантириш учун топширилади. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб учун туман «Махсустрас» корхонаси билан шартнома тўзилган. Қани энди шаҳримиздаги барча корхоналар ҳам табиатга эътиборли бўлиб, «Равшан» автокорхонаси каби режали ва тартибли иш юритса.

**М. УМАРОВА**



Кичкинтойлар учун фойдали машғулот.

## КАДРИЯТЛАРИМИЗ

### Субҳидамда айтилган қўшиқлар

Халқ қалбининг боқира нигоҳларида ястаниб ётган бегубор тўйлар оламининг камалак жинтосидек турфа товланишлари асрларга тенгдус қўшиқларни яратган. Олис эзмоллар қатидан бамисоли сарчасмадан томган инжулардек сизиб чиққан бу тафаккур мўъжизалари қадим аждрларимизнинг ижодий салоҳияти бениҳоя улкан бўлганлигидан далолат беради. Зукко молларнинг эзулиққа бахшида олқиш-дуолари-ю, меҳрирдан онларнинг қалб тўридан қайнаб чиққан аллаларгача барида кишини маънавий коммуликка етакловчи сеҳрли бир куч бор. Бу сеҳрли сўз меҳри, бунёдкорлик ва яратувчилик дардини дилига жо қилган халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Шу боис халқ қўшиқларини тўплаш, тарғиб қилиш ва ўрганиш гоът муҳим аҳамиятга эга. Узбек халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдоналарини йиғиш ва тадқиқ қилишдек эзу ишга беқиёс ҳисса қўшган хассос, захматқаш олим Мазайяна Алави янинг ижодий бистотини кўздан кенчирганимизда, халқимиз орасидеа илгарти кенг оммалашган қадимий фольклор жанрларидан бири байт-ғазаллардан намуналар борлиғига гувоҳ бўлдик. Маълум бўлишича, байт-ғазал халқ қўшиқларининг ўзига хос

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оқ ўрганиб домо бўлур...

● Исмингни абадий ёд эттирарлик гўзал исм қолдир.  
● Ишсиз одам ҳар бир бузуқликни қилишга ҳозир бўлади. Ақлли одам кераксиз вақтда билганини сўзлашдан тортинад, нодон, жоҳил одам эса нима сўзлаганини ўзи тушунмайди.  
● Молу-дунё — умр ва саодат учун, аммо умр — молу-дунё кўпайтириш учун эмас.  
● Сўқрот ҳақим вафоти олдидан ўз шогирдларига шундай насихат қилди:  
— Фароғат, шодлик кеч келиб, тез кетади, қайғу-алам тез келиб, анча узоқ қўзилади. Ҳар одамнинг ифбат ва парҳезорлиғи бўлмаса, ҳар қанча зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган деб ҳисобланмайди. Шунга қўра, оқил ва камол ифбатли, таффиқли бўлиши керак. Қилган ёмонликлари, фисқу-юржурларини ҳар ерда мактаб, гердайиб сўзлаб юрган одамдан узоқлашинг. Комил, ақлли одам бузуқ ҳаёлларни кўнглига келтирмайди, ақл-хуш қуввати билан уларни рад қилади.  
Яна айтди:  
— Кўнглингизда яхши бир иш қилиш ҳаваси уйғонса, у ишни баҳаришга дарҳол ошиқинг, бир бадғумонлик яхши ишдан сизларни қайтариб қўймасин. Бир ёмон иш қилиш кўнглингизга келса уни ижро қилишга ошиқманг, ўйлаб кўринг, шояд котирагиз у ёмон ишдан нафрат қилиб, яхшилик тарафига айланса.  
Яна айтди:  
— Одамларга муносиб иш — ўз нафсини қўлга олиб, қайси иш ўзига лойиқ эканини англаб, унга амал қилишдир, шундай қилса унинг иши саранжом бўлади. Ҳамма гўзал хислатларнинг яхшироғи ҳалол касб билан молу-дунё ҳосил айлашдир. Агар сизларга қаҳру-ғазаб ғалаба қилса, ёмон сўзлар сўзлашдан тилингизни, бошқаларга озор беришдан қўнглингизни сакланг.  
Яна айтди:  
— Азиз шогирдларим, сизларга яна бир неча панд-насихатларини айтиб ўтаман:  
хою-ҳавасни тарқ айлаб, қаноатни ихтиёр айланг; неъмат ва давлатингиз бор вақтида шукр бажо келтириб, бошингизга қийинчилик тушган вақтда сабрни ўзингизга йўдош қилинг, сабр ҳар бир энгилликнинг очқичи бўлиб, неъматга шукр қилиш давлат ва осойишталикнинг кўпайишига сабаб бўлади;  
— ҳаётингизда бирор ҳодиса зуҳур этса, кўнглингизни қувватли қилиб, ҳаяжонга, изтироб чекишга йўл қўйманг;  
— қайси иш бўлмасин, уни менсимай, арзимаган кичкина иш деб санаманг, ҳар ишининг улғайиш қобилияти бўлади.  
Ихлосманд дўстларнинг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг;  
— бир одам билан бир масала устидеа сўзлашар экансиз, сўзингизни жанжалга бош бўладиган даражасига олиб борманг, тилингизни тийинг.  
Шоир Оғаҳий айтди:  
**Эй кўнгли, эҳсон ўқин ҳар сори от**  
**То сенга чиққай ҳақонда яхши от.**  
● Шайх Саъдий айтди:  
— Бир доғишманднинг шогирди устидеа бир кишини гийбат қилиб сўзлади. Доғишманд унга насихат қилиб шундай деди:  
— Менинг ҳузуримда ҳеч кимни гийбат қилиб, сўзлама, ёмонлама. Бировнинг устидан гийбат қилсанг, гийбатчи эканлигини билиб, сендан бадғумон бўламан, нафратланаман. Бировнинг обрўсини маҳалламанда ва менинг ёнимда тўқини итасанг, сенинг обрўйинг бутун шаҳар халқи ёнида юксалади. Сен гийбат қилган одам чиндан ҳам ёмон одам бўлса, уни ўзингга душман қилсан, агар у макбул ва марғуб киши бўлса, уни гийбат қилишинг билан ўз номингни булгайсан, гийбатчи номи билан шухратланасан. Сенинг сўзинг, гийбатинг билан у киши ёмон хонга тушмайди, лекин ярамас, гийбатчи эканлигини ҳаммага маълум бўлади. Фарз қилдик, сенинг гийбатинг тўфайли унинг қадрига, мансабига нуқсон етди, лекин сен бундан нима фойда кўрасан? Барибир, унинг мансаби, мартабасига эга бўлмайсан, гийбатчимсан, шу ном билан қолаверсан.  
Доғишманднинг насихатидан шогирди таъсирланган, айтган сўзига пушаймон қилди. Устодиға узр айтиб, бундан кейин ҳеч кимни гийбат қилмасликка ваъда берди.  
Олимлардан Сайид Ашраф Али айтди:  
— Сахрода яшайдиган одамлардан бири сахрода кетаркан, бир чуқурликда йиғилиб қолган ёмғир сувини кўриб қолди. Бу сув балчиқ, лойға аралашиб ранги ўзагарган, бадбўй бўлиб қолган эди. Умрида шўр сувдан бошқа ширин сувни кўрмаган бу сахро одами ёмғир сувини бир оз ичиб кўрди, сув унга жуда ҳам ширин туюлди. Севиниб ўз-ўзига:  
— Бу сув дунё сувни эмас, жаннат суви бўлса керак. Бу жаннат сувидан халифа Ҳорун ар Рашидга ҳада қилсам, у менга албатта инъом-эҳсон қилади, шу билан муҳтожликдан қутуламан, — деб ўйлади. Дарҳол ёнидаги кичик бир идишга ёмғир сувини тўлдириб, Бағдод шаҳрига қараб жўнади.  
Уша кучи халифа Ҳорун ар Рашид одамлари билан бирга сахрода ов қилиб юрган эди. Халиғи одам халифани кўриб қолди. Севиниб дарров келиб Ҳорун ар Рашидга таъзим қилди. Идишидаги бузилган бадбўй ёмғир сувини жаннат суви деб мактаб, халифага тақдим қилди. Халифа идишдаги ранги ўзагарган, бадбўй ёмғир сувини кўриб, масалага дарҳол тушунди. У одамга:  
— Барақалла, биродар, менга жуда ҳам қимматли ҳада келтиргансан, бу сув ҳақиқатан бу дунё сувни эмас, жаннатдан чиққан сув. Бу муборак жаннат сувини фақат ўзим ичаман, ҳеч кимга бермайман, — деди ва хизматчисига ишора қилиб:  
— Биродарим келтирган мана бу муқаддас ва муборак жаннат сувини менинг хос сув идишимга қўйиб қўй, эҳтиёт қилиб, сақла, — деди. У одамга минг танга инъом қилиб, Бағдодга бормасдан, ўз уйига қайтиб кетишга буюрди. У киши халифанинг инъомини олиб, севина-севина уйига қайтди.  
Кейин одамлар халифадан:  
— Нима учун у одамга шаҳарга бормай, шу ернинг ўзидан уйига қайтиб кетишга буюрдингиз? — деб сўрадилар. Ҳорун ар Рашид айтди:  
— Умрида ширин сувни ичиб кўрмаган у сахро одами ранги ўзагарган бадбўй ёмғир сувини жаннат суви деб ўйлаб, менга ҳада қилиб келтирган. Агар мен у келтирган сувни, бузилган сув, деб ўзига қайтарсан, унинг кўнгли озор топарди. Шунинг учун сувни олиб қилиб инъом-эҳсон қилдим. Агар у одам ободонликка борса, ширин оқар сувларни кўрсат, бузилган сувни ҳада қилганидан уяларди. Мен унинг кўнгли озор топмаслиғи, уялмаслиғи учун шу ердан ўз уйига қайтиб кетишни буюрдим. Бир кишини маънос ва ноумид қилишдан, дилига озор беришдан ёмонроқ иш йўқдир. Мен буни истамадим, у бечоранинг кўнглини кўтариб савобли иш қилдим.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ

Табиат кишининг моддий ва маънавий талабларини қондириш манбаи. Шунинг учун табиатни ҳаёт деб атаймиз. Ундан оқилона фойдаланиш, бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш жамиятимизнинг энг асосий ва долзарб вазифаларидан биридир.

Хозирги кунда экологик вазият мураккаблашиб бораётганлиги ўз навбатида инсон саломатлиғига маълум даражада путур етказмоқда. Оқибатда одамлар, айниқса ёш болалар ўртасида турли туман касалликларни келтириб чиқариш ҳолати содир бўляпти. Шу ўринда эътиборингизни бир нарсасга — таркибидеа симоб моддаси бўлган кундаги бричтувчи лампалар ҳақида таърифу маълумотга қаратмоқчимиз. Киши диктишини ўзига унчалик тортишадиган бу лампалар зарарли эканлигини қўнча халқимизга ҳам келтирмаймиз. Шу тўғрйлай уллар болалар томонидан синдирилиб ёки айрим шахслар томонидан яроқсиз ҳолатда келтирилиб маиший чиқиндиларга ташлаб юборилияпти. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти эса бу лампалар таркибидеа қолган симоб ва унинг қолдиқлари ўта захарли модда эканлигини аллақачон эътироф этган.

Инсон организмидеаги симоб моддаси асаб системасига, жигар, буйрак, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишига олиб келар экан. Шу нарсани ёддан чиқармаслигимиз лозимки, бир донда синган люминисцент лампанинг бўғланиш концентрасиёси кискса вақт ичидеа анчагина микдорда захарли модда ишлаб чиқаради.

## ТЕКШИРУВ

### Экология кундалиги

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш назоратчилиги тез-тез корхона ва ташкилотларда бўлишиб, у ерда табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиб туришад. Рейд давомида содир этилган камчиликларнинг айбдорлари аниқланиб, уларга нисбатан зарурий чора-тадбирлар қўрилади. Ҳусусан қўмита назоратчи шу йилнинг апрель ойи давомида 550 та жавобгар шахсларга нисбатан 316028 сўм микдорда жарима солишди. Шундан 255230 сўми ундирилди.

● Назоратчи «Кей-Кей Интернейшнл» корхонасидеа бўлганларидеа маиший чиқиндиларни жойлаштириш ҳолатларига етарли эътибор берилмаганлигини аниқлашди. Жавобгар шахс корхонанинг катта оператори Ж. Каримов бу камчиликка йўл қўйгани учун 5000 сўм жаримага тортилди.

● «Соҳиб-Замин» корхонаси давлат экологик экспертизаси хулосасини маълум вақт давомида иш юритди. Бу ўзбошимчалик корхона директори М. Хуршидовга 8000 сўм микдорда жарима солиш билан ақулланди.

● Қорақамиш 1/4 даҳасидеа яшовчи маҳалла оқсоқоли Ш. Мажиждо Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси руҳсатисиз дарахт кесиб, табиатга зиён-заҳмат етказганлиғи тўғрйлай 11800 сўм микдорда жарима тўлади.

● «Аборон Асадулла ўғли» хусусий фирмасининг раҳбари Х. Бўриев ҳам қилмиши учун 8000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. У давлат экологик экспертизаси хулосасини узоқ муддат давомида иш юритиб келган.

● «Тошнфетмаҳсулот»га қарашли 62-автомобилларга ёниқли қўйиш станцияси бош оператори Т. Мусев табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини қўрмаганлиғи сабабли 10000 сўм жарима тўлади.

● «Белс-сервис» корхонаси директори К. Белов ҳам давлат экологик экспертизаси хулосасини иш юритган. Бу ўзбошимчалик учун ҳаммага 8000 сўм микдорда зарар келтирди.

● БТМ қўйма қорхонасидеа сувдан фойдаланиш қондилари бузилганлиғи аниқланди. Шунингдек назоратчилик атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотлари яхши ишламаётганлигини ҳам шохиди бўлишди. Бу ўзбошимчалик корхона бошлиғи Р. Худобергановга 7000 сўм, бош энергетик А. Паққа эса 11800 сўм зиён келтирди.

● Тошкент йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси-трестидеа сувдан фойдаланиш учун қўмитанинг маҳсус руҳсатисиз маҳсулати тўтуган. Лекин шунга қарамай, иш юритиб келган жавобгар шахс К. Очилнов 7000 сўм жаримага тортилди.

● «Сувсбосқунма» корхонасидеа сувдан фойдаланиш қондиларига рия қилинмаганлиғи сабабли бош энергетик Т. Солиқов 7000 сўм жарима тўлади.

Агарда бундай ҳолат ҳовли ёки хонадонда юз берса хонани дарҳол шамоллатиш лозим бўлади. Чунки симоб бўғлари қондаги бир қатор буюмларга тез сингиб, узоқ вақт давомида сақланиб қолади. Бундай ҳолатдан фақат маҳсус ишлов йўли билангина қутулиш мумкин.

Аниқланишича, бир вақт ичидеа минг донга шундай лампа синса шаҳримиз ҳудудининг каттагина қисмини уч қаватли бино баланглиғидеа захарлар экан. Шундай экан люминисцент лампаларни маҳсус технолоғик жараянлар ёрдамида йўқ қилиш атоф-муҳитга зарарли таъсирини ўтказмаслик имконини қидириш лозим. Назоратчиларнинг текшируви шунини кўрсатди. Ўтган йили 120 та корхонада ишдан чиққан лампаларнинг 34076 таси зарарсизлантириш учун маҳсус жойларга топширилган. Қолганлари эса...

Табиатга нисбатан ҳурмат билан қараш, яхши экологик тарбия ишини энг аввало оиладан бошлаш керак. Бир халқ мактабидеа: «Ўғил ўстирган ёки дарахт ўтказган одам умрини беҳуда яшамасин» бўлади», дейилган экан. Агар биз катталар ўз ҳаётимиз ва меҳнатимиз давомида жонхон юрти, шаҳри, ўқётган мактаби ёки ишлайётган корхонаси, умуман табиатни севадиган, қадрайдиган ва бу ҳақда қайғурадиган чинакам инсонларни тарбиялай олак, беҳуда яшаманг бўлаемиз.

**М. ЮСУПОВА,**  
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тарғибот бўлими бошлиғи.

**Байт айтмоқчи сабаби саккиз ёшдан айтаман,**  
**Ўлганинда чини пилеа субҳидамда қайтаман,**  
**Субҳиданнинг салқини сўлдирди гуллар бағрини**  
**Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафо ёр дардини.**

**Эй, ака, мурча қарайсан, ой билдингми мени,**  
**Шаҳрингизга янги келдим, бой билдингми мени,**  
**Лайли бўлма, Лайли бўлган мен шайдо қилмай,**  
**Ёру жүранг олдида бир даста гул пайдо қилай.**

**Дарёнинг ул юзида кўрдим юзингни ул замон,**  
**Юрагимга ўт тушубдур дўзах ўтлдини ёмон,**  
**Дўзах ўти ичга тушса, тутуни ундан ёмон,**  
**Ошиқи дилхастаға қоронғидан ойдин ёмон.**

**Оқ гул новдасидир аргувони,**  
**Қизил гул новдаси ошиқнинг қони.**  
**Кизил гул тағига борсам куларман**  
**Сизни жону таним бирла севарман.**

**Байтни ташласангиз,**  
**Ўлани ташласангиз,**  
**Ошиқ бўлиб ўзига,**  
**Қуралайнинг кўзига.**

**Олма отдим ҳавога,**  
**Илиқди дўхонга,**  
**Дўлана шохини ийди,**  
**Қизларжон гулгун кийди.**

**Бешкапада бешта тол,**  
**Бешовиям мажонтол,**  
**Кўнгли қўганим — ёрим,**  
**Ўрта бўйли нав-ниҳол.**

Хурсанд ХОЛОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ходими.

## ТАЪЛИМ

### Малакали мутахассислар тайёрланмоқда

Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институти яқинда ўзининг 30 йиллик тўйини нишонлади. Минтақада юқори малакали шифокор-педиатрларнинг етишмаслиғи ва болалар ўртасидеа турли касалликларнинг юқорлиғи институти ташкил этишни тақозо қилганди.

— Ўтган ўттиз йил ичидеа педиатрия соҳасининг барча йўналишлари бўйича 18 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрланди, — дейди институт директорини маънавий ва маърифат масалалари бўйича биринчи ўринбосари С. Асомов. — Институтида 43 кафедра ва 7 мустақил курс бўлиб, уларда 395 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда.

Институтида Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабига мувофиқ етти йиллик ўқиш ва икки босқичли таълим тизимига ўтилган. Биринчи босқич — бақалавиатура бўлиб, унда умумий педиатрлар тайёрланади. Иккинчи босқичда магистрлар билим олишади. Институтида касбий таълим дастурининг узуқлиқ ва узвийлиғи жорий этилган. Бу ерда академик лицей ва «Шаҳар ўқув маркази» фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Маънавий ва маърифат маркази, ўқув, илмий ва бошқа бўлимлар бор. Институти талабалари Республика Президенти, ИБН Сино жамғармаси томонидан жорий этилган, шунингдек, халқаро ҳамкор — Енсей университети тиббиётининг соҳибларидир.

Институтида замонавий таъхис ва даволаш асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 320 ўринга эга клиника, республика Скри-

# ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

(Ярим чин, ярим ҳазил)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Фарход югуриб бориб, кўлига қоғоз-қалам олди: — Яна нималар олиб бермоқчи эдингиз? — дея амакисини қийин-қистовга ола бошлади.

— Бугеи ёдимда йўқ, Фарходжон, — деди амакиси нималар ваъда қилганлигини эслаб олмай!

— Шунасиз-да, эслотмайси, потинкачи? — деб қолди Фарход.

— Ҳа, майли, потинка бўлса, потинкада, — деди амакиси бўшашиб.

— Бўлмаса, ёзамиз, — деди Фарход «иш»нинг юришиб кетганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

— Ё! — деди Мурод ҳам ётган жойида. «мендан нима кетди» дегандай.

— Битта куртка!

Фарход битта куртка қаршисига иккита ёзди-да! — Чешский фақат, — дея қўшиб қўйди. — Яна нима?

— Потинкани ёздинг-а? — сўради Мурод.

— Ёганман, — деди-да, битта ўрнига учта ёзди, — бунисиёки чешский!

— Яна нима?

— Яна-янами, ҳадеб яналайверма, — Мурод ўйланиб турди-да: — «Шафтолининг қокиси!» — деди.

— Ёзамиз, шафтоли қокиси! — Фарход учинчи қилиб «Шафтоли қокиси»ни ёзди, сўради: «Неча кило бўлсин?»

— Тўрт-беш кило етар! — деди Мурод «Бопладимир» сен болани» дегандай.

— Етиб қоларов! — деди Фарход ҳам сўзларини лағмон ҳамиридан чўзиб. — «Юз сўмдан бўлса, беш юз сўм бўларкан, пулига арзимайди», — дея нарҳини жимжимадор қилиб ёзиб қўйди. Шундан кейин у аввалиги ёзган нарсаларининг ҳам баҳосини ёзди, сўнг умумий ҳисобини чиқарди. Амакисидан сўрамай: «Қаллапуш!» — деб, инсоф қилиб биттагина ёзди-да, унинг ҳам нарҳини кўрсатиб қўйди.

— Ё-бе, — деб қолди Фарход бирдан, — костюм-брюк ҳам ваъда қилгандингиз-ку. Айёрсиз-а, ўзим эсингизга солмасам, индамай ётаверасиз!

— Ёз бўлмаса, кастюм-брюк бўлса, бўла қолсин!

— Ёзим ва янами? — деди Фарход.

— Яна ва янами? Ҳа, топдим-топдим, менад нима кетди, майли бир халта ақл бўла қолсин, ё! — деди Мурод мот қилган шахматчидай.

— Яна бир халта ақл, ёзим! — деди Фарход гапнинг оқимини дарров пайкаб. — Ҳўш, пули қанча бўлади? Ҳай, майли сизга оғир тушиб кетмасин, баҳосини пасайтириб-роқ ёзаман энди. Наило! Энди-энди, жамини ҳисоблаб кўрайликми? Мана бундоқ бўлибди: икки юз олти миң сўм! Буларга белингиз синиб кетмаса бўлган. Аҳажонгинаман, мана бу пасти қойига табаррук имзоларини чекиб юборсинлар, энди!

Амакисига кўл қўйдириб олгач, хонадаги бошқа беморларга ҳам: «Сиз ҳам имзо чекин!» Гувохликка ўтдингиз!» дея ҳаммадан бирма-бир имзо чектириб олди-да, бу «ким-матбахо қоғозини кўйлагининг ички чўнтагига авайлаб жойлаб қўйди.

Бугун дунёда энг бахтли одам ким дегансиз? — бу Фарход эди! Ўзини қўйган жой тополмайди, Хурсанд! Оғзи қулгоғидан!

— Қаршига олиб бориб, Салима янгамга курсатаман олтинга тенг бу қоғозимни. Чилонзордаги янгам ҳам кўрсинми, агар қарши бўлмасангиз!

Мурод хотиржам, мийғида қулиб деди: — Сен аввал ўзингиз ақл сотиб ол, уёғи бир гап бўлар, хайми!

— Ҳай-ҳай, фақат хатга тушдингиз, ўтга тушдингиз-да, как дело?..

**10. «Бурнини кесиб олишди...»**

Хонага ҳовлиққан ҳолда Илҳом кириб келди. Фарход амакисининг ўрнида ястаниб ётган эди, оғайнини кўрган захотиёқ сапчиб жойидан кўзгалди.

Ранги-рўйи ўнган ҳолда дудукланиб деди: — Фарр-р-хо-од эш-ши-т-ди-нг-ми?

— Нима, анави киши ўлиб қолдими? — Фарходни совуқ тер боғанди.

— Й-йў-ғэ, — деди Илҳом чўчиб тўшиб.

— На-на-фас-синг-ни ис-си-сиқ-к-қил-э. Ҳе-ч-ким ўл-га-ни йў-йў-қ!..

Илҳом ваҳима йили тузилгандай ҳовлиқиб тушунтирди: қанақадир юқумли касаллик тарқалганмиш, кимда-ким эллатмаса, тамоммиш!.. Ўлкасини қўлтиқлаб иккиси қаёққадир гўмдон бўлишди. Орадан кўп ўтмай, Фарход чат қўлини ушлаганча қўли келди.

— Эмлатдим, энди болоям урмайди менга, — деди у гўё бир ишни қойиллатиб қўйгандай.

Фарход хар қуни ярим белигача ечиниб олиб, шундай сўвда ювинар, Тошканддан қишлоғимга қайтиб боргач, ким менга сув иситиб беради, деб иссиқ сувли крафта яқинлашмасди. Эмланганнинг учинчи кўнига бориб, чап-қўли думбича бўлиб шишиб кетди: фасод боғлабди! Кучли оғрик пайдо бўлиб, иситмаси кўтарила бошлади. Ҳамширанинг олдида дори сўраб кирган экан, унинг оёғини ерга текизмай жаррохлик бўлимига олиб кетишди. Бу хабар бир зумда иккинчи қаватдаги дўхтирлар-у барча беморлар қулгоғига етиб борганди. Кўрган кўриб одам ачингандан ундан:

— Фарход тузумисан? — деб ҳол-аҳвол сўрайди. Ҳатто «люблю» деб, «мухаббат изҳор» этган фаррош аёл — Нина ҳам:

— Фарходчи, яхшимасан ўғлим? — деб сўраса, боласи тушмағур ҳазил-мутуйибасини сира қўймай:

— Не понимаю, как дело? — деб иршай-волиб йўлида давом этаверди.

Орадан икки кун ўтгач, ҳамма яна бир-биридан сўрайди:

— Фарходни кўрдингизми?

— Ҳа, йўқ, нима бупти унга!

— Бурнини кесиб олишди, ўзим кўрдим.

— Йўғ-е, ё тавба!.. Ҳамма ёқа ушлаган.

— Боласи тушмағур шўҳда-шўх!

— Бунақа сакраб юргандан кўра, уни уйлантириб қўйиш керак!

— Ҳозир сакраб олсин, кейин уйлангач, сакрагач ҳам мадори қолмайди унинг!.. XIX-хх..

Тўшга яқин Фарходнинг сабри чидамай чап қўлидаги ярасини ечиб ташлаб, лейкопластири пахтани бурни устига ёпиштириб олиб, аввал хонада у ёқдан-бу ёққа тиржайволиб ўзларича юрган бўлдилар. Сўнг Илҳом оғайнининг олдида бир чиқиб келди-чи, деб чиқиб кетди. Дахлизда кимгадир: «Как дело?» деб сўраган бўлди. У ҳам: «Что с носом?» деб сўраган эди. Фарход бўлса: «Не понимаю!» деб жавоб берди. Сўраган ҳам: «Да, бедняга!» деганча орқасидан қараб қолверди.

— Бурнингга нима қилди Фарход? — деб сўради яна кимдир.

У ҳам хеч нарса рўй бермагандек:

— Кесиб олишди! — деб жавоб берди. Уни бу ахволда кўриб, Илҳом оғайнининг капалаги ўчиб кетди.

— Ни-мм-а бб-ўл-ди с-сен-га? — аранг сўради у.

— Бурнини кесиб олишди, — тиржайди Фарход.

— Э-э-ди н-на-ри-ги д-ду-н-ёга р-раво-на б-бу-лар-кан-санда, — деди Илҳом жони ачиган бўлиб.

— Нега энди равона бўларканман?

— Ш-ш-у-н-дай о-о-ғ-ай-ни!..

Икки оғайни бошлашиб дахлизга чиқшди. Ким кўрган, яна Фарходдан: «Хой бурнинингга нима қилди?» деб сўрашдан қўймас, у бўлса эринмай бир хил жавоб беришдан чарчамасди:

— Бурнини кесиб олишди!..

Бир киши бўлса! «Кип—қизил Тумариснинг ўзгинаси бўлибсан-да!» — деган эди, аввалига хайрон бўлиб турди-да, сўнг: «Сиз у билан кўришганмисиз? Не понимаю?» — деб тилининг учини кўрсатди.

— Уйингга борганимга ҳам, — деди ҳалиги киши, — не понимаю, дегин хўпми! Ана ўшанда қулгоғининг тагида яхшигина шавла қайнаганини кўрсан!

Фарход ҳамон китмирлашини қўймасди:

— Ҳай, қанақа шавла, не понимаю!

— Шўҳсан-да, Фарходжон, шўҳсан.

Бурнингга қўшиб биратўласи қулгоғини ҳам кесиб олишмабди-да, сен болани, — деди ҳалиги киши ҳам ҳазилга-ҳазил билан жавоб берар экан.

— Не понимаю, как дело? — деб иршайганича хонасига кириб кетди.

**11. Фарход йўқолиб қолди**

Кечқурун соат олтиларда Фарход беш минутта ташқарига чиқиб келди, шу кетгандан-кейин, қайтиб келмади. Ана холос! Энди амакисининг холи не кечади?! Ана келиб қолар-мана келиб қолар, деб қутар, Фарходдан бўлса ҳамон ном-нишон йўқ!

Муроднинг кўзи тўрт: тик этса, эшикка қарайди. Кўринган бир одамдан: «Хой, Фарходни кўрмадингизми?» деб суриштирар, ундан дарак йўқ эди.

— Эшитдингизми, Фарход йўқолиб қолди? — деган «совуқ» хабар бир зумдаёқ ўша қаватдаги ҳамма-хаммининг қулгоғига етиб борган, Муродга жонлари ачирди, бемор чорасиз қолганди. Уни юпатишга уринишарди... Тошкент азим шаҳар бўлса, унинг қаеридан кириб, қаеридан чиқсини яхши билмасан?

Кеч соат саккиз ҳам бўлди, Фарходдан ҳамон дарак йўқ! Мурод минг хавфга борди, Тошкентнинг мингта кўчасини айланиб чиқди, туғунини тополмай боши гаранг. «Эхти-мол, у Чилонзорга, 16-кварталга кетган бўлса-я?! Қандай қилиб топиб боради? Чўнтагида хемириши ҳам йўқ! Миллицияхонага тушдимикин? Яхшиси, Чилонзорга — собик татар хотининикига — Василлага кўнги-роқ қилдириши керак».

— Ҳа, шу ерда. Яхши етиб келди, — деб жавоб беришди у ердан.

Муроднинг бироз кўнгли жойига тушгандай бўлди-ю, бирдан уни қўрқув ва ваҳима босди... Ахир, хожатга қандай чиқди. Йи-қилиб тушса-чи?! Тамом! Оёқ-қўллари бўшашиб, ўзини буткул мадорсиз ҳис эта бошлади. Боши чархалаб бўлиб айланар, мана-мана ҳозир гурсиллаб тўшиб, ерлар-чин бўлади. Хўрликлари келиб кетди. Жовдирган қўй қўзларига дон-дон-дон ёш томчилари қалжиб чиқди. Томоғига намадир қаттиқ текилиб, уни бугаётгандай, бамисоли бугизлаётгандай туюлди. Қулгоғига атрофдагиларнинг гап-сўзлари ҳам кирмас, хатто радиодан берилётган оҳанграбо куй-қўшиқлар ҳам эшитилмасди. Ҳисси хавфлари уни аллақайларга етаклаб борарди. Қанотсиз қуш нима-ю Мурод нима?

Шунча сиқилишлардан кейин уйқу келадими? Мижжа қокмай тонг оттирди. Ёнидаги ҳамроҳлари ёрдамида хожатга бориб, юз-қўллари ювиб келди. Яна Чилонзорга кўнги-роқ қилдириди: «Чиқиб кетганига ярим соатларча бўлди, бориб қолар», дейишди.

Кани кела қолса! Соат ўн бўлди, Фарходдан дарак йўқ, ўн бир бўлди — йўқ, ўн икки... Ва ниҳоят, соат бирларда дахлизни йиғиштираётган Нина фаршонинг ёқимли овози эшитилди: «Фарход келяпти, шекилли», дейишди хонадагилар.

— Қаёлларда санғиб юрибсан, хой бола. Бу ерда амакинг сендақалардан ўнтасини туғиб ўтирибди-я» деди кимдир.

— Туғибди дейсизми? — Фарход шанғиллаб бошлади. — Эрак кишиям туғарканми?! Уғилми ёки қиз?

— Ҳа, сен шумтакага, одамни мазоҳ қилиш бўлса, а..

— Ўзингиз айтасиз-ку, ўнта туғди, деб.

— Сен бола ўзингни гўлликка солмади, бор тезроқ, хавотир олиб ўтирибди амакин!

— Боряпман-ку, халиям!..

Хонадагилар Фарход ана кириб қолар-мана кириб қолар, деб қутишар, у бўлса қорасини кўрсатмасди.

**Миршароф МУҲСИМОВ**  
(Давоми бор)

Кўни кеча шахримиздаги Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган «Яшил чироқ — 2002» танловининг ўқувчилари бўлиб ўтди. Танловнинг ўқув йили тугаётганлиги муносабати билан ташкил этилган «Диққат, болалар!» тadbiri бошланган кунда ўтказилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Унда туман мусобақаларининг ғолиблари бўлиш энг кучли мактаблар жамоалари иштирок этиди.

Шуни айтиш керакки, май ойининг ўрталарида аънавий тарзда ўтказилган ушбу танлов ҳам ўқувчилар, ҳам педагог ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хо-

# «Яшил чироқ — 2002»

димлари учун ўзига хос имтихон вазифасини ўтамоқда. Зеро, ҳозирги кунда автобилларга тўла шаҳар кўчаларида нафақат йўл ҳаракати қоидаларини билиш ва уларга қатъий риоя этиш, балки йўлда тўғри йўналишни олиш, ҳаракат тизим кўчаларда вуқудга келаётган вази-ятни аниқ баҳолаш, ташқи таъсирларга яхши реакция — болаларимиз хавфсизлигининг гаровидир. Шу сабабдан ҳам «Яшил чироқ — 2002» танлови бир нечта босқичда ўтди. Болалар йўл ҳаракати қоидалари ва йўл белгилари бўйича билимларини таъбиб эштиди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўз туманини яхши билиш, велосипедни айлани йўлларда ҳайдаш, тарғибот гуруҳлари танлови бўйича кизиқари мусобақаларда ўзaro куч синишди. Энг муҳими, ўқувчилар танловнинг энг мураккаб шартла-

рини ҳам қувноклик, ҳозир-жавоблик билан ҳал этишди, томошабинлар ўртасида ҳам йўл ҳаракати қоидалари юзасидан кичик викториналар ўтказишди.

Албатта, ҳакамлар ҳайъати учун ҳам ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, барча ўн битта туман жамоаси энг кучли қатнашчи номини олишга лойиқ эди. Бирок албатта танловнинг ўз ғолиблари бўлиши керак. Йигилган баллар батафсил ҳисоб-китоб қилингандан сўнг Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб-интернатнинг ёш йўл ҳаракати қоидалари билимдонлари 46,8 балл тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллаганлиги маълум бўлди. Юнусобод туманидаги 96-мактаб ўқувчилари ҳам ўз билимдон-ликлари, маҳоратларини юқори даражада намойиш қилишган бўлсада ғолибдан бир оз ортда қолган ҳолда —

ўтказилган республика мусобақаларида шахримиз шарафини ҳимоя қилишди. Иккинчи ўрин соҳиблари эса «Йўлчироқ» телебийни-да ўзарo куч синишди. Унда ғолиб чиққан жамоа ҳам республика танловида қатнашш хуқуқини қўлга киритди.

— Барча мактаблар жамоалари ҳал қилувчи шаҳар босқичига яхши тайёргарлик кўрган, — дейди Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизматининг бошлиғи, милиция подполковниги Вячеслав Тутин. — Албатта, умид қиламизки, ўқувчилар бу ерда намойиш қилган билим ва кўникмаларини нафақат шахримиз кўчаларида қўллайдилар, балки ўз тендошлари, лозим бўлса, катталар ўртасида ҳам тарғиб қиладилар. Ана шунда, болалар жабрланган йўл-транспорт ҳодисалари ҳам анча камайган бўларди.

(Ўз муҳбиримиз)  
**СУРАТЛАРДА: «Яшил чироқ-2002» шаҳар мусобақаларидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин ва Илҳом суратлар.**



# Ипак Йўли банкида янги омонатлар

**Сизнинг режаларингизнинг ишончли асоси**

# Ипак Йўли омонати — ўз даромадларингизни ўзингиз танланг!

Исталган миқдор, исталган муддат ва исталган фоизларни Сиз ҳар ойда оласиз!!! Фақатгина ўз маблағларингизни банкка топширишингиз ва қайтариб олиш санасини айтсангиз бас. Агар маблағларингизни белгиланган вақтда олиб кетолмасангиз, хавотирланманг, банкнинг ўзи Сизнинг маблағларингизни қуйидаги жадвал асосида узоқроқ муддатга ўтказди ва юқори фоиз бўйича даромадларингизни ҳисоблаб беради.

|                         | 1 ой | 3 ой | 6 ой | 9 ой | 12 ой |
|-------------------------|------|------|------|------|-------|
| 500 минг сўмгача        | 30 % | 35 % | 40 % | 45 % | 50 %  |
| 1.000 минг сўмгача      | 35 % | 40 % | 45 % | 50 % | 55 %  |
| 1.000 минг сўмдан юқори | 40 % | 45 % | 50 % | 55 % | 60 %  |

# Фақат 2002 йил 30 июнгача «Даромад» омонати!

**«Даромад» омонати — ўз маблағларингиздан унумли фойдаланг!**  
**50 кун ичида 6,53 % даромад олинг.**

# «Кўклам» омонати

АҚШ доллар омонатларини ҳеч қандай хавфсиз қўпайтиришни истайдиганлар диққатига. Ўз маблағларингизни бир ойда жойлаштиринг ва йиллик 20% сўмда даромаднинг омонат қўйган ойда олинг.

**Маълумотлар учун:**  
**Фарход кўчаси, 12 «А»**  
**Тел.: 120-85-52, 76-85-52, 117-15-71.**

**Ҳамид Олимжон кўчаси, 5.**  
**Тел. 133-69-66, 133-67-80.**

**«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмасига**  
хореография талабларига жавоб берувчи, гастролларга чиқиб имкониятига эга 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар «Золушка-2002» театралашган цирк спектаклида ишлаш учун

**ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ**  
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-09, 144-18-12, 105-16-06.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати жамоаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Г.И.Шайховага акаси, танкили фантас-ёзуви

**Ҳожиакбар ШАЙХОВНИНГ**  
бевақт вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор қилади.

# ГИЁХВАНДЛИК — ИЛЛАТ

**«Ишонч телефони»га қўнғироқ қилинг**

Гийёхвандлик донишга тушганларнинг «оқ ажал» тўзюғидан ҳеч қачон чиқиб кета олмаслигини, оилалари, соғлиқларидан ажраб қолганларига бўлиши ҳамма-мига маълум. Афсуски, гийёхванд моддаларни сотиш ва уни истеъмол қилиш билан шуғулланган айрим кимсалар учраб турибди.

«Наркотик ва психотроп моддаларнинг» ноқонуний айланганининг олдини олишга қаратилган 2002-2005 йилларга мўлжалланган дастурнинг икросини таъминлаш, жойларда гийёхванд моддаларни сотиш, тарқатиш, истеъмол қилиш билан шуғулланган шахсларни аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Кундала» тиббиёт маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан тизим ишлаб чиқилди.

Ушбу тизимни ҳаётга татбиқ этиш борасида «Камолот» ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан ишонч телефони ва пейжер рақами фойдали йўлга қўйилди.

Халқимизда «Куч — бирликда» деган ақоийи нақл бор. Келинг, маҳалларда, ўқиб ва иш жойларида гийёхвандлик моддалари тарқатилиши ҳолларини бирозликда баҳолаб, эътибор берингиз. Сизнинг маълумотларингизни 144-86-93 телефони орқали 6000 пейжер рақами бўйича кутамиз. Унутманг, бу иллат жамият учун ҳам, сизнинг оилангиз учун ҳам ўта хавфлидир.

Бордию гийёхвандлик яқинлашганда ёки танишларингизга хавф солан бўлса 125-75-05 телефони га қўнғироқ қилингиз. Бу мутаваассилар билан ҳамкорликда албатта ердам берамиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими.

**Хурматли ҳамшаҳарлар!**

Сиз кизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, қўндалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингда хонадонингиз ва мулкнингизни жиндий таъвоқулардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматнинг асосий мақсади фўқароларнинг хонадонларини қўриқлаш ва бинининг элдини олиш, замонавий техника воситалари билан жиҳозлаб, уларнинг мол-мулкларини ва хонадонларини ишончли қўриқловини таъминлашдан иборат.

Хонадонингиз ва мулкнингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлиmlарига мурожаат қилинг!

**Мурожаат учун телефонлар:**  
133-37-83, 34-01-69, 133-01-44.

**«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодий жамоаси Ўзбекистон Езувчилар уюмисаи раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, танкили фантас-ёзуви, ношир ва журналист**

**Ҳожиакбар ШАЙХОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-қўндошлари ва ақинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзиллимиз:  
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефони га мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси.**

**Қорхона манзили:**  
**«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**